

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**39-сон**  
**(175)**  
**2005 й.**  
**сентябрь**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

293. «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 58-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 27 сентябрдаги ўРҚ–9-сон Қонуни
294. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 30 сентябрдаги ўРҚ–10-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

295. «Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг айрим қоидаларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 29 сентябрдаги ПФ–3664-сон Фармони
296. «Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларининг айрим қоидаларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 29 сентябрдаги ПҚ–193-сон қарори

*Учинчи бўлим*

297. «Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 сентябрдаги 215-сон қарори
298. «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 сентябрдаги 217-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

299. «Мажбурий тартибда сертификатланадиган бир турдаги маҳсулотларнинг алоҳида турларини сертификатлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзстандарт агентлиги бош директорининг 2005 йил 7 сентябрдаги 340-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 сентябрда 1513-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
300. «Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 6 сентябрдаги 84, 2005-54-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 сентябрда 1446-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
301. «1991 йилгача қурилган уй-жойларнинг ички муҳандислик коммуникациялари ва умумий фойдаланиш жойларини мукамал таъмирлаш ишларини маблағ билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2005 йил 12 августдаги 66, 258-В-1, 2005-44, 01-1/966-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 сентябрда 1408-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
302. «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация қилиш ва бойликларни ташишга доир йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 20 августдаги 18/6-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 сентябрда 1263-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2005 йил 24 сентябрдан 30 сентябргача бўлган маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**293 Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 58-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2005 йил 28 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2005 йил 26 августда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда) **58-моддасининг «с» бандидаги** «сотиб олиш, «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг шахси кўрсатилган уй-жой облигацияларини харид қилишга ва шу мақсадлар учун берилган кредитларни узишга» деган сўзлар «сотиб олишга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Белгилаб қўйилсинки, ушбу Қонун амалга киритилгунга қадар берилган фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг «Ўзуйжойжамғармабанк»нинг шахси кўрсатилган уй-жой облигацияларини харид қилишга ва шу мақсадлар учун берилган кредитларни узишга йўналтириладиган суммасини солиқ солишдан озод қилишга доир имтиёзлар фуқаролар олган кредитлари бўйича қарзларини тўлиқ узишларига қадар сақланиб қолади.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киряди.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 27 сентябрь,  
ЎРҚ–9-сон

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2005 йил 28 сентябрда эълон қилинган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**294** Ўзбекистон Республикасининг **Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2005 йил 20 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2005 йил 26 августда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **87-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Уч» деган сўз «Беш» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **207-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўша қилмишлар:

а) одам ўлишига;

б) гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг кўп миқдорда Ўзбекистон Республикаси давлат ёки божхона чегаралари орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига сабаб бўлса, —

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 30 сентябрь,  
ЎРҚ–10-сон

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2005 йил 1 октябрда эълон қилинган.

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

#### **295** Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг айрим қоидаларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида қабул қилинган қарорларга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 21 мартдаги ПФ–2564-сонли Фармонининг 6-банди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ–2772-сонли Фармони иловасининг 5-банди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ–3077-сонли Фармонининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,  
2005 йил 29 сентябрь,  
ПФ–3664-сон

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

#### **296** Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларининг айрим қоидаларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» 2005 йил 5 августдаги ПҚ–147-сонли қарорига мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–57-сонли қарорининг 3-банди;

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 майдаги «Нақд пуллар қайтарилиши коэффициентининг прогнози бажарилиши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларни рағбатлантириш тартиби ҳамда уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ПҚ-68-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 29 сентябрь,  
ПҚ-193-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **297 Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш тўғри- сида**

«Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологиялари янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 8 июлдаги ПҚ-117-сон қарорини ижро этиш юзасидан ҳамда электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказлари фаолиятини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг фаолият юритиши тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 майдаги 215-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2004 й., 5-сон, 47-модда) 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 26 сентябрь,  
215-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 26 сентябрдаги 215-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш  
марказларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва электрон рақамли имзолар калитлари-

ни рўйхатга олиш марказларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш маркази (кейинги ўринларда матнда «Рўйхатга олиш маркази» деб юритилади) Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида (кейинги ўринларда матнда «Рўйхатга олиш органи» деб юритилади) давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс ҳисобланади.

3. Рўйхатга олиш марказини давлат рўйхатидан ўтказиш:

аризани кўриб чиқишни ва Рўйхатга олиш марказини давлат рўйхатидан ўтказиш ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилишни; давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома беришни;

Рўйхатга олиш марказининг ваколатли шахсларига электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларини беришни ўз ичига олади.

## **II. Рўйхатга олиш марказини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза бериш ва уни кўриб чиқиш тартиби**

4. Рўйхатга олиш марказини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза берувчи Рўйхатга олиш органига 1-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза берувчи ташкилотнинг раҳбари имзоси ва муҳри билан тасдиқланган рўйхатга олиш тўғрисидаги аризани юборади.

Рўйхатга олиш марказини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

ариза берувчи ташкилотнинг устави (низоми), таъсис шартномасининг ҳамда ариза берувчи ташкилот давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

ариза берувчи ташкилотнинг раҳбари тўғрисидаги маълумотлар;

Рўйхатга олиш органи билан ўзаро алоқа қилиш танланган шахсга ишонч хати;

Рўйхатга олиш марказининг ахборот хавфсизлиги талабларини ўз ичига оладиган унинг ахборот тизими бўйича лойиҳа ҳужжатлари;

очиқ калит (агар у мавжуд бўлса) ва унинг қўлланиш соҳаси тўғрисидаги маълумот.

5. Ариза берувчи:

сертификатлар, лицензиялар ва бошқа техник ҳужжатларни илова қилган ҳолда белгиланган сертификацияланган аппарат ва лицензия дастурий воситалари рўйхатини тақдим этишга;

ахборот хавфсизлиги, техника хавфсизлиги талабларига ва ёнғинга қарши талабларга жавоб берадиган зарур хоналарга эга бўлишга;

махфий ахборотнинг сақланишини ва рухсат берилмаган фойдаланишдан ҳимоя қилишни таъминлашга мажбурдир.

6. Ариза берувчи аризада кўрсатилган фаолият тури бўйича ишларни олиб бориш учун зарур шарт-шароитлар мавжудлигини ҳамда фаолиятни амалга ошириш ваколати берилган шахсларнинг касбий яроқлилигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиш ҳуқуқига эгадир.

7. Рўйхатга олиш органи рўйхатга олиш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб бир ой муддатда аризани кўриб чиқади ва тақдим этилган маълумотлар асосида Рўйхатга олиш марказини давлат рўйхатидан ўтказиш ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

8. Аризани кўриб чиқиш жараёнида Рўйхатга олиш органи давлат рўйхатидан



ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган бошқа ахборотни талаб қилиши мумкин.

9. Рўйхатга олиш маркази давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун тўлов ундирилмайди.

### **III. Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома бериш**

10. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Рўйхатга олиш органи давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома беради. Рўйхатга олиш марказлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома махсус бланкаларда расмийлаштирилади. Гувоҳнома бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади.

Рўйхатга олиш органи раҳбари гувоҳномалар бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун белгиланган тартибда жавоб беради.

Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома 5 йилгача амал қилиш муддати билан берилади.

11. Қуйидаги ҳолларда Рўйхатга олиш марказини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши мумкин:

ариза берувчи томонидан мазкур Низомнинг 4 ва 5-бандларида баён қилинган талабларнинг бажарилмаслиги;

Ўзбекистон Республикасида ана шундай номдаги Рўйхатга олиш маркази рўйхатдан ўтказилганлиги;

ариза берувчи ташкилот муассисларидан ҳеч бўлмаганда биттаси Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланмаслиги.

Рўйхатга олиш марказини давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши тўғрисидаги қарор асосланиши ва қарор қабул қилингандан сўнг 3 кун мобайнида ёзма шаклда ариза берувчига юборилиши керак.

12. Рўйхатга олиш органининг Рўйхатга олиш марказини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин.

13. Рўйхатга олиш марказини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар тақдим этишда баён қилинган маълумотлар ўзгарган тақдирда ариза берувчи бу ҳақда уч кун муддатда ёзма шаклда Рўйхатга олиш органини хабардор қилиши шарт.

Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганда (йўқотилганда, йўқ қилинганда ва бошқа ҳолларда) рўйхатга олиш марказининг мурожаати асосида Рўйхатга олиш органи томонидан «Дубликат» белгиси билан янги гувоҳнома берилади.

### **IV. Рўйхатга олиш марказининг ваколатли шахсларига электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларини бериш тартиби**

14. Рўйхатга олиш органи 2-иловага мувофиқ шакл бўйича тузилган ариза асосида Рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсларининг электрон рақамли имзолар калитларини тайёрлайди ва электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларини (кейинги ўринларда матнда «Электрон рақамли имзолар калитлари сертификати» деб юритилади) беради.

Электрон рақамли имзонинг очик калити электрон рақамли имзонинг ёпик

калитига мос келишини тасдиқловчи ва Рўйхатга олиш маркази томонидан электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгасига берилган ҳужжат Электрон рақамли имзо калитининг сертификати ҳисобланади.

Устав, шартнома, тегишли хатти-ҳаракатлари содир этиш ҳуқуқига ишончнома асосида Рўйхатга олиш маркази номидан иш кўрувчи унинг ходими Рўйхатга олиш марказининг ваколатли шахси ҳисобланади.

Электрон рақамли имзони яратган (электрон ҳужжатга имзо қўйган) ва унинг номига Рўйхатга олиш маркази томонидан Электрон рақамли имзолар калитлари сертификати берилган жисмоний шахс электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити эгаси (кейинги ўринларда матнда «электрон рақамли имзо эгаси» деб юритилади) ҳисобланади.

15. Ваколатли шахсларнинг электрон рақамли имзо калитлари сертификатларини олиш учун Рўйхатга олиш маркази Рўйхатга олиш органига электрон рақамли имзо калитлари сертификатларига киритиш учун зарур бўлган ушбу шахслар тўғрисидаги маълумотларни, уларнинг ўз қўли билан қўйилган имзолари, ариза берувчи ташкилотнинг раҳбари имзоси ва думалоқ (расмий) муҳри билан тасдиқланган маълумотларни қоғоз ҳужжат шаклида тақдим этиши шарт.

16. Ваколатли шахснинг электрон рақамли имзо калити сертификати электрон ҳужжат шаклда ҳамда икки нусхада қоғоз ҳужжат шаклида яратилади. Қоғоз ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калити сертификатлари Рўйхатга олиш органи масъул шахсининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади ҳамда сертификат эгаси (ваколатли шахс)нинг ўз қўли билан имзоланади. Қоғоз ҳужжат шаклидаги сертификатнинг бир нусхаси ваколатли шахсга берилади. Сертификатнинг қоғоз ҳужжат шаклидаги иккинчи нусхаси Рўйхатга олиш органида сақланади.

17. Сертификат паспорт ёки шахсни тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат кўрсатилган ҳолда шахсан ваколатли шахс томонидан олинади. Сертификат эгаси сертификат қоғоз ҳужжат шаклида ва электрон ҳужжат шаклда олинганлиги тўғрисида тегишли журналга имзо чекади.

#### **V. Рўйхатга олиш марказини қайта рўйхатга олиш**

18. Рўйхатга олиш маркази Рўйхатга олиш марказининг муассиси (муассислари) номи, манзили ўзгариши, шунингдек давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тамом бўлиши муносабати билан қайта рўйхатдан ўтказилади.

19. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тамом бўлгандан кейин Рўйхатга олиш маркази гувоҳноманинг амал қилиш муддати тамом бўлишидан камида бир ой олдин қайта рўйхатга олиш тўғрисида ариза юборади.

Қайта рўйхатга олиш рўйхатга олиш сингари тартибда амалга оширилади.

#### **VI. Рўйхатга олиш маркази давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва уни бекор қилиш**

20. Рўйхатга олиш маркази давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши Рўйхатга олиш маркази фаолиятида қонун ҳужжатлари ва мазкур Низом талаблари бузилганлиги аниқланган тақдирда Рўйхатга олиш органининг қарори билан тўхтатиб турилиши мумкин.

21. Рўйхатга олиш маркази давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома қуйидаги ҳолларда Рўйхатга олиш органи қарори билан бекор қилиниши мумкин:

ариза берувчи ташкилотнинг аризасига кўра;

давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тамом бўлишига кўра;

Рўйхатга олиш марказини таъсис этган юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома бекор қилинганда.

Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг бекор қилиниши шунингдек:

қонун ҳужжатларига, шу жумладан ахборот хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатларига мунтазам равишда риоя қилинмаган тақдирда;

давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган қонунни бузишлар Рўйхатга олиш органи томонидан белгиланган муддатларда бартараф этилмаган тақдирда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарори бўйича амалга оширилиши мумкин.

22. Рўйхатга олиш органининг Рўйхатга олиш марказини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан Рўйхатга олиш маркази белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

23. Рўйхатга олиш марказини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатиб турилгандан ёки бекор қилингандан кейин Рўйхатга олиш органи томонидан Электрон рақамли имзолар калитлари сертификатлари реестрига ёзув қайд этилади ва Рўйхатга олиш марказига расмий билдиришнома юборилади.

24. Рўйхатга олиш марказини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

25. Рўйхатга олиш маркази тугатилган тақдирда ушбу Рўйхатга олиш марказига берилган электрон рақамли имзо калитлари реестри ва электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари электрон рақамли имзо эгаларининг розилиги билан бошқа Рўйхатга олиш марказларига берилиши мумкин.

Бошқа Рўйхатга олиш марказларига берилмаган электрон рақамли имзо калитлари реестри ва электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари бекор қилинади ва сақлаш учун Рўйхатга олиш органига берилади. Электрон рақамли имзонинг очиқ калитларидан фойдаланувчилар бундан хабардор қилинади. Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун электрон рақамли имзонинг очиқ калитидан фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс электрон рақамли имзонинг очиқ калитларидан фойдаланувчи (кейинги ўринларда «Электрон имзодан фойдаланувчи» деб юритилади) ҳисобланади.

#### **VII. Рўйхатга олиш марказлари ваколатли шахсларининг электрон рақамли имзоси калитлари сертификатларининг ягона давлат реестрини юритиш**

26. Рўйхатга олиш органи рўйхатга олиш марказлари ваколатли шахсларининг электрон рақамли имзоси калитлари сертификатларининг ягона давлат реестрини юритади ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ундан эркин фойдаланишини таъминлайди.

27. Ягона давлат реестрида қўйидагилар кўрсатилади:  
қўйидагиларни ўз ичига оладиган Рўйхатга олиш маркази тўғрисидаги маълумотлар:

Марказнинг номи;  
почта манзили;  
телефон/факс рақами;  
электрон почта манзили;  
давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилган сана, тартиб рақами ва унинг амал қилиш муддати;  
давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг қайта рўйхатдан ўтказилиши, амал қилишининг тўхтатиб турилиши ва қайта тикланиши, бекор қилишининг асоси ва санаси;

Марказнинг ваколатли шахслари — электрон рақамли имзо эгалари тўғрисидаги маълумотлар;

электрон рақамли имзо калити сертификати узайтирилиши, тўхтатиб турилиши, қайта тикланиши ва бекор қилишининг асоси ва санаси.

28. Рўйхатга олиш марказлари ваколатли шахсларининг электрон рақамли имзоси калитлари сертификатларидан фақат давлат ягона реестрига киритилгандан кейин фойдаланиш мумкин. Ушбу сертификатлардан имзолар калитлари сертификатларини тасдиқлаш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

29. Сертификат ягона давлат реестридан чиқарилгандан кейин Рўйхатга олиш органи бир иш куни мобайнида Рўйхатга олиш марказига тегишли билдиришнома юборади.

Рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг сертификати ягона давлат реестридан чиқарилган пайтдан бошлаб ҳақиқий ҳисобланмайди.

30. Фойдаланилаётган электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига ишонч йўқолган тақдирда Рўйхатга олиш маркази Рўйхатга олиш органини бундан хабардор қилади. Рўйхатга олиш органи билдиришнома олингандан кейин сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб қўяди ва мазкур Рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг сертификатини бекор қилинган сертификатлар рўйхатига киритади.

### **VIII. Яқуний қоидалар**

31. Мазкур Низомни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Электрон рақамли имзолар калитларини  
 рўйхатга олиш марказларини давлат  
 рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
 низомга  
 1-ИЛОВА

Ариза берувчи ташкилот бланкасига

Кимга: \_\_\_\_\_  
 (Рўйхатга олиш органининг номи)

**Электрон рақамли имзо калитларини Рўйхатга олиш  
 марказини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида  
 А Р И З А**

1. \_\_\_\_\_

(ариза берувчининг-юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли)

\_\_\_\_\_ ни рўйхатдан ўтказишни илтимос қилади  
 (Рўйхатга олиш марказининг номи ва манзили)

2. Хизмат кўрсатувчи банкнинг номи:

Банк ҳисоб варағи;

МФО

3. Почта манзили:

4. Телефон, факс, электрон почта:

5. Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар:

1) \_\_\_\_\_

2) \_\_\_\_\_

3) \_\_\_\_\_

4) \_\_\_\_\_

5) \_\_\_\_\_

муҳр

Ариза берувчи ташкилот раҳбари  
 /имзо/

\_\_\_\_\_ (Раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми)

Электрон рақамли имзолар калитларини  
рўйхатга олиш марказларини давлат  
рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
низомга  
2-ИЛОВА

*Электрон рақамли имзо калитларини  
Рўйхатдан ўтказиш марказининг бланкасида*

Кимга: \_\_\_\_\_  
(Рўйхатга олиш органининг номи)

**Электрон рақамли имзо калитлари сертификатини  
тайёрлашга ва калитлар сертификатлари реестрида  
рўйхатдан ўтказишга  
А Р И З А**

Номларига электрон рақамли имзо калити сертификати берилиши зарур бўлган  
ваколатли шахслар рўйхати:

1. Ваколатли шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми.
2. Ваколатли шахснинг лавозими.
3. Паспортига доир маълумотлар.
4. Почта манзили.
5. Телефон/факс.
6. Электрон почта.

мухр

Электрон рақамли имзо калитларини  
Рўйхатга олиш маркази раҳбари  
/имзо/

\_\_\_\_\_  
(Раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми)

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 26 сентябрдаги 215-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг фаолият кўрсатиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг (кейинги ўринларда матнда «Рўйхатга олиш маркази» деб юритилади) функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди, шунингдек уларга қўйиладиган асосий талабларни белгилаб беради.

2. Рўйхатга олиш марказлари ўз фаолиятида «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

### **II. Рўйхатга олиш марказларининг асосий функциялари**

3. Қуйидагилар рўйхатга олиш марказларининг асосий функциялари ҳисобланади:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ ва очик калитларини яратиш;

электрон рақамли имзо ёпиқ калити муҳофаза қилинишини ва унинг махфийлигини таъминлаш;

электрон рақамли имзо калитлари сертификатларининг реестрини юритиш, унинг ўз вақтида янгиланишини ҳамда ундан юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин фойдалана олиш имкониятини таъминлаш;

юридик ва жисмоний шахсларга электрон рақамли имзо калитларининг сертификатларини электрон ҳужжатлар шаклида ва қоғоз ҳужжатлар шаклида бериш;

электрон рақамли имзо калитлари сертификатларининг амал қилишини тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш, шунингдек уларни бекор қилиш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатига биноан электрон рақамли имзо калитлари сертификатларининг кўчирма нусхалари берилишини, шунингдек электрон рақамли имзо калитларининг тўхтатиб турилган ва бекор қилинган сертификатлари тўғрисидаги маълумотлардан эркин фойдаланилишини таъминлаш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатига биноан электрон ҳужжатлардаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш;

электрон рақамли имзоли қоғоздаги электрон ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини тасдиқлаш;

электрон рақамли имзо калитининг сертификатидан бундан буён фойдаланиш имкониятига таъсир этиши мумкин бўлган ҳоллар ҳақида электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини хабардор қилиш;

электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаларини электрон рақамли имздан фойдаланиш қоидаларига ўқитиш имкониятини таъминлаш.

### III. Рўйхатга олиш марказлари фаолиятига қўйиладиган асосий талаблар

4. Рўйхатга олиш маркази электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш бўйича ўз фаолиятини Ўзбекистон алоқа ва ахбортлаштириш агентлигида (кейинги ўринларда матнда «Рўйхатга олиш органи» деб юритилади) давлат рўйхатидан ўтгандан кейин ва Рўйхатга олиш марказининг ваколатли шахси томонидан электрон рақамли имзо калити сертификати олингандан кейин амалга ошириши керак.

5. Рўйхатга олиш маркази:

электрон рақамли имзони шакллантириш ва текшириш, калитлар сертификатларини сақлаш, шакллантиришнинг сертификатлаштирилган аппарат воситаларига; лицензияли тизимли ва амалий дастурий таъминлашга;

электрон рақамли имзо калитларини ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича зарур ҳужжатларга;

ахборотларни муҳофаза қилиш соҳасида иш тажрибасига эга бўлган мутахассисларга;

махфий ахборот сақланишини таъминлайдиган шароитларга эга бўлиши керак.

6. Электрон рақамли имзо воситаларини сертификациялаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Рўйхатга олиш марказининг ахборот тизими белгиланган талабларга мувофиқ рухсатсиз фойдаланишдан муҳофаза қилинган бўлиши керак.

### IV. Электрон рақамли имзо калитлари сертификатларини бериш тартиби

8. Электрон рақамли имзо калитларининг сертификатлари юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатига кўра Рўйхатга олиш маркази томонидан берилади. Мурожаат қилган шахс электрон рақамли имзо калити сертификатини рўйхатга олиш ва уни олиш учун Рўйхатга олиш марказининг оммавий офертаси билан олдиндан танишиши лозим.

9. Электрон рақамли имзо калити сертификатини олиш учун мурожаат қилган шахс электрон рақамли имзо калити сертификатини рўйхатга олиш ва уни олиш учун имзоланган ариза тақдим этиши керак. Имзоланган ариза оммавий офертада белгиланган шартларга розиликдан далолат беради. Аризани кўриб чиқиш муддати беш иш кунидан ошмаслиги керак.

10. Электрон рақамли имзо калити сертификатини рўйхатга олиш ва уни олиш учун бериладиган ариза шакли ҳамда Рўйхатга олиш маркази томонидан юридик ва жисмоний шахсга электрон рақамли имзо калити сертификатини бериш, шунингдек электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари реестрини юритиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати Рўйхатга олиш маркази томонидан белгиланади.

Рўйхатга олиш марказига электрон рақамли имзо калитлари сертификатларини бериш мақсадларига мувофиқ бўлмаган маълумотларни сўраб олиш тақиқланади.

11. Ариза берилгунга қадар ариза берувчи электрон рақамли имзо калитини мустақил яратиши ва уни рўйхатга олиш учун Рўйхатга олиш марказига тақдим этиши мумкин.

Электрон рақамли имзонинг очик ва ёпик калитларини яратиш юридик ва жисмоний шахсларнинг аризасига кўра Рўйхатга олиш маркази томонидан амалга оширилиши мумкин.



12. Электрон рақамли имзонинг очик ва ёпиқ калитларини яратишда Рўйхатга олиш маркази бир вақтнинг ўзида электрон рақамли имзо калити сертификатини бериши керак.

13. Электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон рақамли имзо эгасига электрон ҳужжат шаклида ва қоғоз ҳужжат шаклида берилади.

14. Юридик ва жисмоний шахслар электрон рақамли имзонинг бир нечта калитларига эга бўлиши мумкин. Электрон рақамли имзо ҳар бир калитининг сертификати белгиланган тартибда алоҳида рўйхатга олинади.

15. Электрон рақамли имзо очик ва ёпиқ калитларини яратиш, электрон рақамли имзо калитини рўйхатга олиш ва электрон рақамли имзо калити сертификатини бериш бўйича хизматлар пулли ҳисобланади.

Кўрсатиладиган пулли хизматлар таркиби ва қиймати белгиланган тартибда шартномавий асосда белгиланади.

16. Рўйхатга олиш маркази ўзи томонидан яратилган электрон рақамли имзо очик ва ёпиқ калитлари муҳофаза қилинишини таъминлаши лозим.

17. Электрон рақамли имзо калитининг сертификатига қуйидагилар кўрсатилиши керак:

электрон рақамли имзонинг эгаси бўлган жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

агар электрон рақамли имзонинг эгаси юридик шахснинг вакили бўлса, шу юридик шахснинг номи;

электрон рақамли имзонинг тартиб рақами ва амал қилиш муддати;

электрон рақамли имзонинг очик калити;

электрон рақамли имзонинг очик калитидан фойдаланишда ёрдам бериши мумкин бўлган электрон рақамли имзо воситаларининг номи;

мазкур сертификатни берган Рўйхатга олиш марказининг номи ва жойлашган манзили;

электрон рақамли имзодан фойдаланиш мақсадлари тўғрисидаги маълумотлар;

электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари реестрининг электрон манзили.

Электрон рақамли имзо эгаси ташаббуси билан электрон рақамли имзо калити сертификатига бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

18. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддати электрон рақамли имзо рўйхатга олинган вақтдан бошлаб 12 ойдан ошмаслиги керак. Кейинчалик электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддати шартнома билан узайтирилади, бироқ икки мартадан ортиқ узайтирилмайди.

19. Электрон ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калитининг сертификати Рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

20. Қоғоз ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калитининг сертификати икки нусхада расмийлаштирилади. Бундай сертификатнинг ҳар бир нусхаси Рўйхатга олиш марказининг ваколатли шахси томонидан имзоланиши ва Рўйхатга олиш марказининг муҳри билан тасдиқланиши керак. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг бир нусхаси электрон рақамли имзо калитининг эгасига берилади, бошқа нусхаси эса Рўйхатга олиш марказида сақланади. Рўйхатга олиш марказида сақланадиган электрон рақамли имзо калити сертификати нусхаси электрон рақамли имзо эгаси томонидан имзоланиши керак.

21. Электрон рақамли имзо калити сертификатини беришда Рўйхатга олиш маркази томонидан электрон рақамли имзо эгасига электрон рақамли имзодан фой-

даланиш ва уни сақлаш қоидалари тўғрисида, шунингдек электрон рақамли имзо эгасининг мажбуриятлари ва жавобгарлиги тўғрисида тўлиқ ахборот берилиши керак.

22. Электрон рақамли имзо калитини рўйхатга олиш электрон рақамли имзо калити сертификатини Рўйхатга олиш марказининг электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари реестрига киритиш йўли билан амалга оширилади.

#### **V. Электрон рақамли имзо очиқ калитлари фойдаланувчиларига электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари кўчирма нусхаларини бериш**

23. Рўйхатга олиш маркази юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларига биноан электрон ҳужжатлар шаклида ва/ёки қоғоз ҳужжатлар шаклида электрон рақамли имзо калитлари сертификатларининг кўчирма нусхаларини бериши шарт.

24. Юридик ва жисмоний шахсга бериладиган қоғоз ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калити сертификати кўчирма нусхаси Рўйхатга олиш марказининг ваколатли шахси томонидан имзоланиши ва муҳри билан тасдиқланиши керак.

25. Қоғоз ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калитининг сертификати кўчирма нусхаси қуйидаги мажбурий реквизитларни ўз ичига олади:

электрон рақамли имзо калити сертификатининг серияли тартиб рақами;

электрон рақамли имзо эгасининг идентификация маълумотлари;

электрон рақамли имзо калитининг сертификати нашр этувчисининг идентификация маълумотлари (Рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг электрон рақамли имзо калити сертификатидан идентификация маълумотлари);

Рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг электрон рақамли имзо воситалари тўғрисида маълумотлар;

электрон рақамли имзо эгасининг электрон рақамли имзо калити ва унинг шакллантирилиши қоидалари тўғрисидаги маълумотлар;

электрон рақамли имзо калитидан ва электрон рақамли имзо калити сертификатидан фойдаланиш соҳалари тўғрисидаги маълумотлар;

Рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг ўз қўли билан қўйган имзоси;

электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддати;

Рўйхатга олиш маркази муҳри.

26. Электрон ҳужжатлар шаклидаги электрон рақамли имзо калитлари сертификатларининг кўчирма нусхаларини беришга доир хизматлар Рўйхатга олиш маркази томонидан бепул кўрсатилади.

#### **VI. Имзоланган қоғоз ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо электрон ҳужжатлар кўчирма нусхаларини тасдиқлаш**

27. Қоғоз ҳужжат шаклидаги электрон ҳужжатнинг тасдиқланган кўчирма нусхасида қуйидагилар бўлиши керак:

электрон рақамли имзо;

электрон ҳужжатни жўнатувчининг — юридик шахснинг номи ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

электрон ҳужжатни жўнатувчининг почта манзили ва электрон почта манзили;

унинг яратилган санаси;

Рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг ўз қўли билан қўйган имзоси;

Рўйхатга олиш маркази муҳри.

28. Қоғоз ҳужжат шаклидаги электрон ҳужжатнинг кўчирма нусхаси амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига ва давлат стандартларига мувофиқ бўлиши, шунингдек «Электрон ҳужжатнинг кўчирма нусхаси» мажбурий белгисига эга бўлиши керак.

#### **VII. Электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари реестрини юритиш ва уларни сақлаш тартиби**

29. Калитлар сертификатлари реестри қоғоз ва электрон шаклда юритилади, электрон рақамли имзодан фойдаланувчилар учун унинг электрон версиясига кириш бемалол бўлиши керак.

30. Рўйхатга олиш маркази электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари реестри ўз вақтида янгиланиб борилишини таъминлаши шарт. Реестрдаги ўзгартиришлар электрон рақамли имзо калити сертификатини бериш, тўхтатиб туриш ва унинг амал қилишини тиклаш ҳамда уни бекор қилиш вақтидан бошлаб амалга оширилиши керак.

31. Реестрда электрон ҳужжатлар шаклида берилган, амалда бўлган, тўхтатиб қўйилган ва бекор қилинган электрон рақамли имзо калитларининг сертификатлари бўлиши керак.

32. Рўйхатга олиш марказининг калитлар сертификатлари реестрида электрон рақамли имзо эгаси тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

электрон рақамли имзо эгасининг фамилияси, исми ва отасининг исми;

почта манзили;

телефон/факс рақами;

электрон почта манзили;

солиқ тўловчининг идентификация рақами;

электрон рақамли имзо калити сертификати амал қилишини узайтириш, тўхтатиб туриш ва қайта тиклаш, уни бекор қилиш асоси ва санаси.

33. Рўйхатга олиш марказида электрон ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калити сертификатини сақлаш тартиби ва муддати Рўйхатга олиш маркази ва электрон рақамли имзо эгаси ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

34. Электрон ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калити сертификатини сақлаш муддати тугагандан кейин у Рўйхатга олиш марказининг электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари реестридан чиқарилади ва архивда сақлаш режимига ўтказилади.

35. Бекор қилинган электрон ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калити сертификати Рўйхатга олиш марказида камида уч йилгача сақланади.

36. Қоғоз ҳужжат шаклидаги электрон рақамли имзо калити сертификати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланади.

#### **VIII. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш ва бекор қилиш тартиби**

37. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш электрон рақамли имзо эгасининг аризаси асосида амалга оширилади.

38. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб

туриш муддати ушбу электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддатидан ошмаслиги керак.

39. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиши тўхтатиб турилганда Рўйхатга олиш маркази Электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари реестрига тегишли ёзувни киритади ҳамда уч кун мобайнида бу тўғрисида электрон рақамли имзо эгасини ёзма равишда хабардор қилади.

40. Электрон рақамли имзо калити ушбу сертификатининг амал қилишини қайта тиклаш электрон рақамли имзо эгасининг аризасига асосан электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиши тўхтатиб турилган муддат мобайнида амалга оширилади.

41. Электрон рақамли имзо калити сертификати электрон рақамли имзо эгасининг аризасига асосан бекор қилинади. Электрон рақамли имзо калити сертификати бекор қилиш учун ариза ариза берувчи томонидан электрон ёки қоғоз шаклида берилади.

42. Электрон рақамли имзо калити сертификати шунингдек Рўйхатга олиш маркази томонидан электрон рақамли имзо эгасининг розилигисиз қўйдаги ҳолларда:

ушбу сертификатнинг амал қилиш муддати тугаганда;

электрон рақамли имзо калити сертификати берилишига асос бўлган ҳужжатнинг амал қилиши тўхтатилганда;

электрон рақамли имзо калитининг эгаси «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаган ҳоллар аниқланганда;

электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиши тўхтатиб турилган муддат тугаганда ва уни қайта тиклаш учун электрон рақамли имзо эгасининг аризаси мавжуд бўлмаганда бекор қилинади.

43. Электрон рақамли имзо калити сертификатларини бекор қилиш электрон рақамли имзо эгасининг аризаси олинган ёки ушбу Низомнинг 42-бандида баён қилинган ҳолатлар вужудга келган кунда Рўйхатга олиш маркази томонидан амалга оширилади.

44. Электрон рақамли имзо калити бекор қилингандан кейин Рўйхатга олиш маркази томонидан электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари реестрига ёзув киритилади ва унинг эгасига расмий билдиришнома (бекор қилинган сертификатлар рўйхати) юборилади.

### **IX. Рўйхатга олиш марказларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

45. Рўйхатга олиш маркази тегишли ёпиқ калитга путур етказиш ҳолати аниқланган тақдирда, бекор қилинган электрон рақамли имзо калити сертификати эгасини хабардор қилган ҳамда асосланган сабабларни кўрсатган ҳолда электрон рақамли имзо калити сертификатини бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

46. Рўйхатга олиш маркази айби билан электрон рақамли имзо эгасининг ёпиқ калитига путур етказилганда, Марказ электрон рақамли имзо эгаси олдида етказилган моддий зарар учун жавобгар бўлади, шунингдек электрон рақамли имзо эгасига янги электрон рақамли имзо калити сертификатини бепул тайёрлайди ва беради.

47. Рўйхатга олиш маркази:

Рўйхатга олиш марказидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

Рўйхатга олиш органини ахборот технологияларидаги, воситалар таркиби ва

жойлашувидаги ҳамда ахборотлаштириш тизимларидаги, улардан фойдаланишда чора-тадбирлар самарадорлиги ва ахборотларни муҳофаза қилиш воситаларига таъсир қилиши мумкин бўлган шарт-шароитлардаги барча ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилиши шарт;

Рўйхатга олиш органига қуйидагиларни тақдим этиши шарт:

давлат рўйхатидан ўтган Рўйхатга олиш марказининг фаолияти юзасидан назорат ва мониторингни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган ва чекланган тартибда бошқа зарур ахборотлар, ҳужжатлар ва материаллар;

қонун ҳужжатлари ва ушбу Низом билан унга юкланган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган унга маълум бўлган ариза берувчиларнинг шахсий маълумотларини ошкор этмаслик ва тақдим этмаслик, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

Рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг электрон рақамли имзо ёпиқ калитидан фақат уларга берилган очиқ калитлар сертификатлари имзоси ва бекор қилинган сертификатлар рўйхатлари учун фойдаланиш;

ушбу Низомга мувофиқ Рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг ёпиқ калитини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини кўриш;

электрон рақамли имзо эгаларининг рўйхатга олиш ахборотларини ошкор қилмаслик, электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари эгаларини идентификациялаш учун фойдаланиладиган ва тайёрланаётган сертификатларга киритиладиган ахборотлар бундан мустасно;

рўйхатга олинган электрон рақамли имзо эгасига унинг аризасига кўра Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатлаштирилган электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ёпиқ ва очиқ калитлар тайёрлаш;

калитлар пайдо бўлиши тартиб-қоидадини бажарувчи дастурий ва/ёки аппарат воситаларидан фойдаланиш бўйича талабларга мувофиқ калитни ўзга маълумотлар манбаига ёзиб қўйиш;

калитлар пайдо бўлиши тартиб-қоидадини бажариш ва фақат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатлаштирилган дастурий ва/ёки аппарат воситаларидан фойдаланган ҳолда калитларни ўзга маълумотлар манбаига ёзиш;

электрон рақамли имзо эгаларининг тайёрланадиган электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари рўйхатга олиш (серияли) тартиб рақамларининг ноёблигини таъминлаш;

электрон рақамли имзо фойдаланувчиларининг тайёрланган очиқ калитлари сертификатларидаги очиқ калитлар аҳамиятининг ноёблигини таъминлаш;

тўлиқ Интернет манзил — URLни Рўйхатга олиш маркази фойдаланувчиларининг электрон рақамли имзо калитларининг нашр этилаётган сертификатлари электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари реестрига киритиш.

#### **Х. Электрон рақамли имзо фойдаланувчилари ва эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

48. Электрон рақамли имзо фойдаланувчиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Рўйхатга олиш маркази томонидан тайёрланган, берилган, тўхтатиб қўйилган, қайта тикланган ва бекор қилинган электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари рўйхатларини олиш;

Рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг электрон рақамли имзо калити сертификатини электрон шаклда олиш;

Рўйхатга олиш марказининг электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари реестрида бўлган электрон рақамли имзо калити сертификати кўчирма нусхасини электрон шаклда олиш;

Рўйхатга олиш маркази томонидан тайёрланган бекор қилинган электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари рўйхатини электрон рақамли имзо калитлари сертификатлари мақомини текшириш учун қўллаш.

49. Электрон рақамли имзо эгаси электрон рақамли имзо калити сертификатини янгилаш учун сўров юбориш ҳуқуқига эга. Сўров Рўйхатга олиш марказига амалда бўлган электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддати тугашидан камида икки ҳафта олдин юборилиши керак.

50. Рўйхатга олиш тартиб-қоидадан ўтган электрон рақамли имзо эгалари ушбу Низом ва тегишли шартнома билан белгиланадиган ҳажмда рўйхатга олиш ва идентификация ахборотини тақдим этиши шарт.

51. Электрон рақамли имзо эгаси:

ёпиқ калитни махфий сақлаши, унинг йўқотилиши, ошкор бўлиши, ўзгартирилиши ёки ундан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш учун мумкин бўлган барча чораларини кўриши;

агар унга ушбу калитлардан фойдаланилаётганлиги ёки илгари бошқа шахслар томонидан фойдаланилганлиги маълум бўлса, электрон рақамли имзо ёпиқ калитларидан фойдаланмаслиги;

электрон рақамли имзо ёпиқ калитидан фақат сертификатда белгиланган тегишли соҳаларда фойдаланиш рухсат берилган мақсадларда фойдаланиши;

электрон рақамли имзо калити сертификатини берган Рўйхатга олиш марказини қонун бузилишлари ёки электрон рақамли имзо ёпиқ калитига кириш режими бузиш мумкинлиги тўғрисида хабардор қилиши ва электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддатини тўхтатиб туришни ёки уни бекор қилишни талаб қилиши;

ўз вакили ҳисобланган юридик шахсни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида Рўйхатга олиш марказига хабардор қилиши шарт.

52. Электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси электрон рақамли имзо эгаси тўғрисидаги шахсий маълумотларнинг муҳофаза қилинишини таъминлаши лозим.

## XI. Яқуний қоидалар

53. Мазкур Низомни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 26 сентябрдаги 215-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
«Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини  
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил  
7 майдаги 215-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчалар**

4-иловада:

а) 1-банднинг биринчи хатбошига «бошқарув органи» сўзларидан кейин «шунингдек электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида махсус ваколатли орган» сўзлари қўшилсин.

б) 8-банд қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида махсус ваколатли орган функцияларини амалга ошириш»;

учинчи—ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи—ўн учинчи хатбошилар ҳисоблансин;

в) 9-бандда:

учинчи хатбошига «радиочастота спектридан» сўзларидан кейин «электрон рақамли имзодан» сўзлари қўшилсин;

тўртинчи хатбошига «ахборот-коммуникация технологияларига» сўзларидан кейин «шунингдек электрон рақамли имзодан фойдаланишга доир» сўзлари қўшилсин;

ийгирманчи хатбошига «алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида» сўзларидан кейин «шунингдек электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида» сўзлари қўшилсин;

ўттиз биринчи хатбошида «радиочастота спектридан» сўзларидан кейин «ва электрон рақамли имзодан» сўзлари қўшилсин;

банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларини белги-ланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказати ва электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг ваколатли шахсларига электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларини беради;

электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг ваколатли шахслари электрон рақамли имзолари калитлари сертификатларининг ягона давлат реестрини юритади ҳамда унга юридик ва жисмоний шахсларнинг эркин киришини таъминлайди;

юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари бўйича электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказларининг ваколатли шахслари электрон рақамли имзоларининг ҳақиқийлигини тасдиқлайди;

электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш марказлари фаолияти устидан назоратни амалга оширади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 298 Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида» 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ–2107-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фарғона вилоятида соғлиқни сақлашнинг бошланғич бўғинини ислоҳ қилиш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида» 1999 йил 5 мартдаги 100-сон қарорига мувофиқ «Саломатлик-1» лойиҳасини амалга ошириш доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида Фарғона, Сирдарё, Навоий вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг уч туманида қишлоқ врачлик пунктларини, қишлоқ врачлик амбулаториялари ва фельдшер-акушерлик пунктлари комплексларини (кейинги ўринларда матнда «бошланғич тиббий-санитария ёрдами-БТСЁ қишлоқ муассасалари» деб юритилади) бир киши ҳисобига харажатлар нормативидан келиб чиқиб молиялаштириш механизми жорий этилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш, бошланғич тиббий-санитария ёрдами барча қишлоқ муассасаларида молиялаштиришнинг янги механизмини ёйиш ва уни БТСЁ айрим шаҳар муассасаларида эксперимент сифатида жорий этиш, шунингдек «Саломатлик-2» ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» дастурлари доирасида бошланғич тиббий-санитария ёрдами муассасаларини бошқаришни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. БТСЁ қишлоқ муассасаларини:

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида — 2005 йил 1 октябрдан бошлаб;

Андижон, Бухоро, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида — 2006 йил 1 январдан бошлаб;

Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида — 2007 йил 1 январдан бошлаб бир киши ҳисобига харажатлар нормативидан келиб чиқиб молиялаштириш шароитларига босқичма-босқич ўтказиш назарда тутилсин.

2. 2006 йил 1 январдан бошлаб 1-иловага мувофиқ Самарқанд, Сирдарё, Фарғона вилоятлари шаҳарлари ва Тошкент шаҳрида БТСЁ муассасаларини бир киши ҳисобига харажатлар нормативидан келиб чиқиб молиялаштириш бўйича эксперимент ўтказилсин.

Самарқанд, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари кўрсатиб ўтилган эксперимент ўтказилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминласин.

3. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри соғлиқни сақлашига харажатлар таркибида молиялаштиришнинг янги шартларига ўтаётган БТСЁ муассасалари харажатлари улуши белгиланган тартибда амалга ошириладиган индексация ҳисобга олинган ҳолда кейинчалик кўпайтириб борилган ҳолда олдинги йилдан паст бўлмаган даражада сақланиб қолади.

4. Қуйидагилар:

Бошланғич тиббий-санитария ёрдами (БТСЁ) қишлоқ муассасаларини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;



Бошланғич тиббий-санитария ёрдами (БТСЁ) шаҳар экспериментал муассасаларини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

бошланғич тиббий-санитария ёрдами экспериментал шаҳар муассасасининг намунавий уставини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

«Саломатлик-2» (ХТУ) ва «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» (ОТБ) лойиҳаларини амалга ошириш бўйича қўшма бюро билан биргаликда молиялаштиришнинг янги тартиби шароитларида қишлоқ ва экспериментал шаҳар муассасалари тиббиёт ходимлари ва маъмурий-бошқарув ходимларини, шунингдек даволаш ва молия-хўжалик фаолиятини ташкил этиш бўйича барча даражалардаги соғлиқни сақлаш бошқарув органлари раҳбарларини тайёрлашни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда, 2006 йил 1 март-гача, «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси билан ОТБ ўртасидаги қарз битимига мувофиқ, туман (шаҳар) соғлиқни сақлаш турғун муассасаларини бир тўлиқ даволанган ҳолат ҳисобидан келиб чиқиб молиялаштиришга ўтказишга доир таклифларни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

эксперимент тариқасида Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний, Қонлиқўл ва Нукус туманларида ҳамда Хоразм вилоятининг Боғот, Янгиариқ ва Хонқа туманларида марказлаштирилган бухгалтерия ташкил этиш йўли билан бошланғич тиббий-санитария ёрдами қишлоқ муассасаларини молиялаштириш моделини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин;

2007 йил 1 январгача бир киши ҳисобига харажатлар нормативидан келиб чиқиб бошланғич тиббий-санитария ёрдами шаҳар муассасаларини молиялаштириш бўйича эксперимент натижаларини умумлаштирсин ва молиялаштиришнинг ушбу моделини республика бошланғич тиббий-санитария ёрдами бошқа шаҳар муассасаларига жорий этишга доир таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фарғона вилоятида соғлиқни сақлашнинг бошланғич бўғинини ислоҳ қилиш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида» 1999 йил 5 мартдаги 100-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 28 сентябрь,  
217-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 28 сентябрдаги 217-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Бир киши ҳисобига харажатлар нормативидан келиб чиқиб  
молиялаштириш шартларига ўтаётган бошланғич тиббий-  
санитария ёрдами шаҳар муассасалари рўйхати**

**I. Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри**

3-поликлиника  
6-поликлиника  
8-поликлиника  
12-поликлиника

**II. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри**

1-марказий поликлиника  
2-поликлиника  
3-поликлиника  
4-поликлиника (болалар учун)

**III. Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри**

1-поликлиника (катта ёшдагилар учун)  
2-поликлиника (катта ёшдагилар учун)  
3-поликлиника  
1-поликлиника (болалар учун)  
2-поликлиника (болалар учун)  
6 -поликлиника  
«Ипакчи» ҳудудий поликлиникаси  
«Янги Марғилон» ҳудудий поликлиникаси

**IV. Тошкент шаҳри**

**1. Учтепа тумани**

6-поликлиника  
8-поликлиника  
56-поликлиника  
10-поликлиника  
30-поликлиника  
Марказий поликлиника

**2. Юнусобод тумани**

31-оилавий поликлиника  
Марказий поликллина

**3. Яккасарой тумани**

17-оилавий поликлиника  
19-оилавий поликлиника  
23-оилавий поликлиника  
45-оилавий поликлиника  
Марказий поликллинка

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 28 сентябрдаги 217-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Бошланғич тиббий-санитария ёрдами қишлоқ муассасаларини молиялаштириш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

Мазкур Низом бошланғич тиббий-санитария ёрдами қишлоқ муассасаларининг бир киши ҳисобига харажатлар нормативидан ва уларни молиялаштириш шартларидан келиб чиқиб молиялаштиришга ўтиши тартиб-қоидасини белгилайди.

### **I. Бошланғич тиббий-санитария ёрдами қишлоқ муассасаларининг молиялаштириш ва бошқаришнинг янги шарт-шароитларига ўтиши тартиб-қоидаси**

1. БТСЁ қишлоқ муассасаларининг бир киши ҳисобига харажатлар нормативидан келиб чиқиб молиялаштиришга ўтиши учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари уларни молиялаштиришни Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва вилоят ҳокимликлари соғлиқни сақлаш бошқармаларига беради.

2. Маҳаллий соғлиқни сақлаш органлари улар ҳудудида қишлоқ врачлик пунктларига айлантирилмаган қишлоқ врачлик амбулаториялари (ҚВА) қишлоқ участка касалхоналари (ҚУК) ва фельдшер-акушерлик пунктлари (ФАП) мавжуд бўлган тақдирда, уларнинг негизда ҚВП-ФАП, ҚВА-ФАП-комплекслари ташкил этадилар.

ҚВП, ҚВП-ФАП ва ҚВА-ФАП-комплекслари юридик шахс шаклида ташкил этилади ва бошланғич тиббий-санитария ёрдами (БТСЁ)нинг муассасалари ҳисобланади.

3. Қайта ўзгартириш йўли билан БТСЁ қишлоқ муассасаларини ташкил этишда илгари ҚВА, ФАП ва ҚУКга тегишли бўлган барча мол-мулк, шу жумладан бинолар белгиланган тартибда уларнинг балансига берилади.

4. Қайта ўзгартирилган БТСЁ қишлоқ муассасалари штатларини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишув бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган штат нормативларига мувофиқ амалга оширилади.

5. Аҳолини БТСЁ қишлоқ муассасаларига бириктириш мазкур Низомга иловага мувофиқ шакл бўйича режалаштирилаётган давр бошида мавжуд бўлган участкалар асосида тегишли туман марказий касалхонасининг бош врачлари буйруғига биноан амалга оширилади.

БТСЁ муассасаларига бириктирилган аҳолининг сони ва таркиби тўғрисидаги ахборот туман марказий касалхонаси бош врачлари томонидан тузилади, аҳолининг умумий сони эса туман статистика органининг раҳбари томонидан тасдиқланади.

Бунда ҳар қандай фуқаро туман марказий касалхонаси бош врачини ёзма равишда хабардор қилиб, тиббий ёрдам олиш учун бошқа БТСЁ муассасасини ўз хошича танлашга ҳақлидир.

### **II. БТСЁ қишлоқ муассасалари бюджетини белгилаш**

6. БТСЁ қишлоқ муассасалари бюджетини режалаштириш бир киши ҳисобига харажатларнинг базавий нормативи асосида амалга оширилади.

7. Бир киши ҳисобига харажатларнинг базавий нормативи ҳар йили белгиланади ва Қорақалпоғистон Республикаси ёки вилоятлар ҳудудий доирасида ягона ҳисобланади ҳамда қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{ХБНс} = \text{ВСБх} \cdot \frac{\text{ЎУс}}{\text{АСс}}, \text{ бунда:}$$

ХБНс — режалаштирилаётган йилга бир киши ҳисобига харажатларнинг базавий нормативи;

ВСБ — санитария-эпидемиология назорати хизмати, капитал қўйилмалар ва марказлаштирилган тадбирлар харажатларидан ташқари режалаштирилаётган йилга Қорақалпоғистон Республикаси ёки вилоятлар соғлиқни сақлашининг умумий бюджети;

ЎУс — режалаштирилаётган йилнинг 1 январига БТСЁ қишлоқ муассасаларига бириктирилган вилоят аҳолиси сони;

АСс — ҳисобот даврида вилоят соғлиқни сақлаш бюджетида вилоят қишлоқ БТСЁ бюджетининг ўртача улуши (коэффициентларда). БТСЁ қишлоқ муассасалари бюджетини ҳисобот давридаги санитария-эпидемиология назорати хизмати харажатлари, капитал қўйилмалар ва марказлаштирилган тадбирлар харажатларини истисно этган ҳолда вилоят соғлиқни сақлаш умумий бюджетига бўлиш йўли билан аниқланади.

Бунда қишлоқ БТСЁ бюджетининг ўртача улуши Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш муассасаларини қайта ташкил этиш ҳисобига кўпайтирилиши керак.

8. Алоҳида олинган БТСЁ муассасасини молиялаштиришнинг йиллик ҳажми тузатиш коэффициентларидан (жинс-ёш таркиби ва аҳоли зичлиги) фойдаланилган ҳолда бир киши ҳисобига харажатларнинг базавий нормативи ва БТСЁ муассасасига бириктирилган аҳоли сони ҳисобидан келиб чиқиб белгиланади.

9. Ҳар бир кейинги режалаштириладиган йилга бир кишига харажатларнинг базавий нормативи белгиланган тартибда аниқланадиган индексация коэффициенти ҳисобга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ҳокимликлари молия бошқармалари ва соғлиқни сақлаш бошқармалари БТСЁ қишлоқ муассасалари бюджетларини ҳисоблаб чиқади ва уларни харажатлар гуруҳига бўлмасдан битта сумма билан БТСЁ муассасаларига етказди.

11. БТСЁ қишлоқ муассасалари белгиланган тартибда молия органларида рўйхатдан ўтказиладиган харажатлар сметаси, штат жадвалини ажратилган бюджет доирасида мустақил ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

12. БТСЁ муассасаларининг ҳисобланган бюджети жорий фаолият бўйича уларнинг харажатларини қоплаши лозим.

БТСЁ қишлоқ муассасаларининг имтиёзли рецептлар бўйича бериладиган доридармонлар учун харажатлари туман марказий касалхонаси бюджетида назарда тутилади. БТСЁ муассасалари учун капитал қурилиш ва қиммат турадиган ускуналарни сотиб олиш харажатлари бир киши ҳисобига харажатлар нормативи бўйича молиялаштириш тизими доирасидан ташқарида назарда тутилади.

### **III. БТСЁ қишлоқ муассасаларини молиялаштириш тартиби**

13. БТСЁ қишлоқ муассасаларини молиялаштириш тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ ҳар ойда битта суммада (харажатлар гуруҳларига ажратмасдан)

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоят ҳокимликлари соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан амалга оширилади. Соғлиқни сақлаш бюджетини ажратишда маҳаллий молия органлари биринчи навбатда БТСЁ муассасалари учун молиявий маблағлар ажратилишини таъминлаши керак.

Бюджет маблағлари ҳар ойнинг 15-кунидан кечикмасдан битта тўлов билан БТСЁ муассасаларининг ҳисоб рақамига тўлиқ миқдорда ўтказилади.

Ҳисобот йилининг охирида БТСЁ муассасалари ҳисоб рақамларида қоладиган маблағлар олиб қўйилмайди ва уларни ривожлантириш учун фойдаланилади.

#### **IV. БТСЁ қишлоқ муассасаларини бошқариш ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати устидан назорат қилиш**

14. БТСЁ муассасаси тиббий, иқтисодий ва маъмурий фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш мудир томонидан амалга оширилади.

15. Мудир штат жадвалини мустақил шакллантиради, штат нормативлари ва ажратилган маблағ билан таъминлаш миқдорига мувофиқ уни мутахассислар билан тўлдирди.

16. Мудир лавозимга Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки тегишли вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси билан келишилган ҳолда туман марказий касалхонаси бош врачлари томонидан тайинланади.

17. БТСЁ қишлоқ муассасаларининг молия-хўжалик фаолиятини туман марказий касалхонаси бош врачлари билан келишув бўйича БТСЁ муассасаси мудирлари томонидан лавозимга тайинладиган молиявий менежерлар юритади. Агар эксперимент тартибида бир нечта БТСЁ муассасаларига хизмат кўрсатиш учун битта молиявий менежер белгиланган тақдирда (Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний, Қонлиқўл ва Нукус туманлари, Хоразм вилоятининг Богот, Янгиариқ ва Хонқа туманлари), у Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки Хоразм вилояти ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси билан келишув бўйича туман марказий касалхонаси бош врачлари томонидан лавозимга тайинланади.

18. БТСЁ муассасаларининг молия-бухгалтерия ҳисоботларини юқори турадиган инстанцияларга ўз вақтида тақдим этиш ишларини мувофиқлаштириш туман марказий касалхонасига юкланади.

19. Бириктирилган ҳудуддаги аҳолига бошланғич тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш вазифасини бевосита ҳал этиш учун жавобгарлик туман марказий касалхонасига юкланади.

БТСЁ қишлоқ муассасаларини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**20 \_\_ йил 1 январдаги ҳолатига кўра БТСЁ бўйича туман аҳолиси таркиби**

Т/р	БТСЁ муассасалари номи	Жами аҳоли, киши	шу жумладан:			
			0—12 ойлик	3 ойлик — 14 ёш	15 ёш ва ундан катта ёшдаги аҳоли	
					ҳаммаси	шу жумладан: 15—49 ёшдаги аёллар
	Туман бўйича жами					
	Вилоят бўйича ҳаммаси					

\_\_\_\_\_ тумани марказий  
касалхонаси бош врач

\_\_\_\_\_

Ф.И.О. ва имзоси

\_\_\_\_\_ тумани статистика  
бўлими бошлиғи

\_\_\_\_\_

Ф.И.О. ва имзоси

Вазирлар Маҳкамасининг  
2005 йил 28 сентябрдаги 217-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Бошланғич тиббий-санитария ёрдами шаҳар экспериментал муассасаларини молиялаштириш тартиби тўғрисида  
ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ**

Ушбу Низом Марғилон, Самарқанд, Гулистон шаҳарларида ва Тошкент шаҳрининг Яккасарой, Учтепа, Юнусобод туманларидаги бошланғич тиббий-санитария ёрдами шаҳар муассасаларининг (кейинги ўринларда матнда «БТСЁ ШЭ муассасалари» деб юритилади) эксперимент тартибида бир киши ҳисобига харажатлар нормативи бўйича молиялаштиришга ва уларнинг фаолият кўрсатиш шароитларига ўтиши тартиб-қондасини белгилайди.

**I. Бошланғич тиббий-санитария ёрдами шаҳар экспериментал муассасаларининг молиялаштириш ва бошқаришнинг янги шароитларига ўтиши тартиб-қондаси**

1. БТСЁ ШЭ муассасаларининг бир киши ҳисобига харажатлар нормативидан келиб чиқиб молиялаштиришга ўтиши учун Самарқанд, Сирдарё, Фарғона вилоят-

лари ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари уларни молиялаштиришни ушбу вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари соғлиқни сақлаш бошқармаларига берадилар.

2. Юридик шахслар бўлмаган бошланғич тиббий-санитария ёрдами муассасалари ўзлари кирган юридик шахслар таркибидан бошланғич тиббий-санитария ёрдами муассасалари тарзида мустақил юридик шахслар сифатида ажралиб чиқадилар.

3. БТСЁ ШЭ муассасалари штатларини шакллантириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишув бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган штат нормативларига мувофиқ амалга оширилади.

4. БТСЁ ШЭ муассасаларига аҳолини бириктириш:

Марғилон, Самарқанд, Гулистон шаҳарларида — шаҳар марказий касалхонаси бош врач буйруғи бўйича;

Тошкент шаҳрида — тегишли туман соғлиқни сақлаш органи раҳбарининг буйруғи бўйича амалга оширилади.

Бириктириш режалаштириладиган давр бошига БТСЁ ШЭ муассасаларига хизмат кўрсатадиган участкалар асосида ушбу Низомга иловага асосан шакл бўйича амалга оширилади.

БТСЁ ШЭ муассасаларига бириктирилган аҳоли сони ва таркиби бўйича ахборотлар Марғилон, Самарқанд, Гулистон шаҳарлари шаҳар марказий касалхонаси бош врач, Тошкент шаҳрининг тегишли туман соғлиқни сақлаш органи раҳбари томонидан тайёрланади, аҳолининг умумий сони эса ҳудудий (туман/шаҳар) статистика органи раҳбари томонидан тасдиқланади.

Бунда ҳар бир фуқаро тегишли равишда Марғилон, Самарқанд, Гулистон шаҳарларининг шаҳар марказий касалхонаси бош врачини ёки Тошкент шаҳрининг тегишли туман соғлиқни сақлаш органини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда тиббий ёрдам олиш учун бошқа экспериментал БТСЁ ШЭ муассасасини танлаш ҳуқуқига эгадир.

## II. БТСЁ шаҳар экспериментал муассасалари бюджетини белгилаш

5. БТСЁ ШЭ муассасалари бюджетини режалаштириш бир киши ҳисобига харажатларнинг базавий нормативи асосида амалга оширилади.

6. Бир киши ҳисобига харажатларнинг базавий нормативи ҳар йили экспериментда иштирок этувчи вилоятларнинг ҳар бир тумани (Тошкент шаҳар тумани) учун алоҳида белгиланади.

Харажатларнинг базавий нормативи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$ХБНй = ВСБй \times \text{ЎУй} / АСй, \text{ бунда:}$$

ХБНй — режалаштириладиган йил учун бир киши ҳисобига харажатларнинг норматив базаси;

ВСБй — санитария-эпидемиология шохобчалари, капитал қўйилмалар ва режалаштириладиган йил учун марказлаштирилган тадбирлар харажатларидан ташқари, вилоятлар/Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш умумий бюджети,

АСй — режалаштириладиган йилнинг 1 январдаги ҳолатига кўра БТСЁ ШЭ муассасаларига бириктирилган вилоят шаҳарлари/Тошкент шаҳри аҳолиси сони;

ЎУй — ҳисобот даврида тегишли вилоят/Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бюджетига БТСЁ ШЭ муассасалари бюджетининг ўртача улуши (коэффициентларда). БТСЁ ШЭ муассасалари бюджетини ҳисобот давридаги санитария-эпидемиоло-

гия назорати хизматлари, капитал қўйилмалар ва марказлаштирилган тадбирлар харажатларини истисно этган ҳолда вилоятлар/Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш умумий бюджетига бўлиш йўли билан аниқланади.

Бунда БТСЁ ШЭ муассасалари бюджети ўртача улуши вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш муассасаларини қайта ташкил этиш ҳисобига кўпайтирилиши керак.

7. БТСЁ ШЭ муассасалари алоҳида олинган йиллик маблағ билан таъминлаш миқдори бир кишига базавий харажатлар нормативи ҳисобидан ҳамда БТСЁ ШЭ муассасаларига бириктирилган аҳоли сонидан келиб чиқиб, тузатиш коэффициентларидан (жинс-ёш таркиби ва аҳоли зичлиги) фойдаланган ҳолда аниқланади.

8. Ҳар бир кейинги режалаштириладиган йил учун бир кишига харажатларнинг базавий нормативи белгиланган тартибда аниқланадиган индексация коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

9. Фарғона, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари молия ва соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси БТСЁ ШЭ муассасалари бюджетларини ҳисоблаб чиқади ва харажатлар гуруҳи бўйича бўлмасдан битта суммада уларга етказилади.

10. БТСЁ ШЭ муассасалари ажратилган бюджет доирасида молия органларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиладиган харажатлар сметаси, штат жадвалини мустақил равишда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

11. БТСЁ ШЭ муассасаларининг ҳисоблаб чиқилган бюджети уларнинг жорий фаолияти бўйича харажатларини қоплаши керак.

Имтиёзли рецептлар бўйича дори-дармонлар билан таъминлаш харажатлари тегишли равишда Марғилон, Гулистон, Самарқанд шаҳарларининг шаҳар марказий касалхоналари ҳамда Тошкент шаҳар тегишли тумани соғлиқни сақлаш органи бюджетларида назарда тутилади.

БТСЁ ШЭ муассасалари учун капитал қурилиш ва қиммат турадиган ускуналарни сотиб олиш харажатлари бир киши ҳисобига харажатлар нормативи бўйича маблағ билан таъминлаш тизими доирасидан ташқарида назарда тутилади.

### **III. БТСЁ шаҳар экспериментал муассасаларини молиялаштириш тартиби**

12. БТСЁ ШЭ муассасаларини молиялаштириш Фарғона, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари тегишли соғлиқни сақлаш бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан тасдиқланган харажатлар сметаларига мувофиқ ҳар ойда битта суммада (харажатлар гуруҳларига бўлмасдан) амалга оширилади. Соғлиқни сақлаш бюджетини ажратишда маҳаллий молия органлари биринчи навбатда БТСЁ муассасалари учун молиявий маблағлар ажратилишини таъминлаши лозим.

13. БТСЁ ШЭ муассасалари бюджетлари тегишли вилоятлар ҳокимликлари соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан шакллантирилади.

14. Бюджет маблағлари ҳар ойнинг 15-кунидан кечикмасдан битта тўлов билан БТСЁ муассасаларининг ҳисоб рақамига тўлиқ миқдорда ўтказилади.

Ҳисобот йилининг охирида муассасалар ҳисоб рақамларида қоладиган маблағлар олиб қўйилмайди ва уларни ривожлантириш учун фойдаланилади.



#### **IV. БТСЁ шаҳар экспериментал муассасаларини бошқариш ва улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати устидан назорат қилиш**

15. Бошланғич тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг даволаш, иқтисодий ва маъмурий фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш БТСЁ ШЭ муассасаси бош врач томонидан амалга оширилади.

Бош врач штат жадвалини мустақил шакллантиради, штат нормативлари ва ажратилган молиялаштириш миқдорига мувофиқ уни мутахассислар билан тўлдиради.

БТСЁ ШЭ муассасаси бош врач:

Марғилон, Самарқанд, Гулистон шаҳарларида — вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси билан келишув бўйича шаҳар марказий касалхонаси бош врач томонидан;

Тошкент шаҳрида — Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси билан келишув бўйича туман соғлиқни сақлаш бошқармаси органи томонидан лавозимга тайинланади.

16. БТСЁ ШЭ муассасаларининг молия-хўжалик фаолиятини БТСЁ ШЭ муассасаси бош врач томонидан лавозимга тайинландиган молиявий менежерлар юритади.

Агар бир нечта БТСЁ ШЭ муассасасига хизмат кўрсатиш учун битта молиявий менежер белгиланган бўлса, у тегишли вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси ёки Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан лавозимга тайинланади.

17. БТСЁ ШЭ муассасаларининг молиявий-бухгалтерия ҳисоботларини юқори турадиган инстанцияларга ўз вақтида тақдим этиш юзасидан ишларни мувофиқлаштириш:

Марғилон, Самарқанд, Гулистон шаҳарларида — шаҳар марказий касалхоналарига;

Тошкент шаҳрида — тегишли туман соғлиқни сақлаш органларига юкланади.

18. БТСЁ ШЭ муассасаларига бириктирилган ҳудуддаги аҳолига бошланғич тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш вазифасини бевосита ҳал этиш учун жавобгарлик Марғилон, Самарқанд ва Гулистон шаҳарларининг шаҳар марказий касалхоналари, шунингдек Тошкент шаҳрининг тегишли туманлари соғлиқни сақлаш органларига юкланади.



**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА СЕРТИФИКАТЛАШ  
АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**299 Мажбурий тартибда сертификатланадиган бир турдаги маҳсулотларнинг алоҳида турларини сертификатлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
28 сентябрда 1513-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 8 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги 318-сонли «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 6-бандига асосан **буюраман:**

1. Илова\* қилинаётган Мажбурий тартибда сертификатланадиган бир турдаги маҳсулотларнинг алоҳида турларини сертификатлаш қоидалари тасдиқлансин.

2. Мазкур Буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш  
агентлиги бош директори Р. БЎРИЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 7 сентябрь,  
340-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MOЛИЯ BAZИPЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**300** Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
28 сентябрда 1446-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 8 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги ПҚ-100-сон «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 23-24-сон, 168-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620-сон «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 25-26-сон, 177-модда) Фармонига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2005 йил 14 январдаги 3 ва 2005-3-сон қарори билан тасдиқланган Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга (2005 йил 31 январь, рўйхат рақами 1446 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 5-6-сон, 37-модда) иловага\* биноан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 6 сентябрь,  
84-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 6 сентябрь,  
2005-54-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ЎЗКОММУНХИЗМАТ» АГЕНТЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**301** 1991 йилгача қурилган уй-жойларнинг ички муҳандислик коммуникациялари ва умумий фойдаланиш жойларини мукаммал таъмирлаш ишларини маблағ билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 сентябрда 1408-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 8 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 февралдаги ПҚ-3-сонли «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил 5-6-сон, 30-модда) қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2004 йил 20 августдаги 97, 258-В, 2004-53, 01-931-сонли қарори билан тасдиқланган «1991 йилгача қурилган уй-жойларнинг ички муҳандислик коммуникациялари ва умумий фойдаланиш жойларини мукаммал таъмирлаш ишларини маблағ билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низом»га (2004 йил 14 сентябрь, рўйхат рақами 1408 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 37-сон, 414-модда) иловага\* асосан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан ўн кундан сўнг кучга киради.

**Молия вазири С. РАҲИМОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 12 август,  
66-сон

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 12 август,  
258-В-1-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Давлат солиқ қўмитаси раиси **Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 12 август,  
2005-44-сон

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги Бош директори **У. ХОЛМУҲАМЕДОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 12 август,  
01-1/966-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

## **302** Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, ин- кассация қилиш ва бойликларни ташишга доир йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил  
28 сентябрда 1263-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2005 йил 8 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147-сонли «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация қилиш ва бойликларни ташишга доир йўриқномага (2003 йил 1 август, рўйхат рақами 1263 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, август 15-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгач кучга киради.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2005 йил 20 август,  
18/6-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2005 йил 24 сентябрдан 30 сентябргача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Мажбурий тартибда сертификатланадиган бир турдаги маҳсулотларнинг алоҳида турларини сертификатлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзстандарт агентлиги бош директорининг 2005 йил 7 сентябрдаги 340-сон буйруғи.*

*2005 йил 28 сентябрда 1513-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 8 октябрдан кучга киради).*

2. «Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 6 сентябрдаги 84, 2005-54-сон қарори.*

*2005 йил 28 сентябрда 1446-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 8 октябрдан кучга киради).*

3. «1991 йилгача қурилган уй-жойларнинг ички муҳандислик коммуникациялари ва умумий фойдаланиш жойларини мукамал таъмирлаш ишларини маблағ билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2005 йил 12 августдаги 66, 258-В-1, 2005-44, 01-1/966-сон қарори.*

*2005 йил 28 сентябрда 1408-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 8 октябрдан кучга киради).*

4. «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация қилиш ва бойликларни ташишга доир йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 20 августдаги 18/6-сон қарори.*

*2005 йил 28 сентябрда 1263-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 8 октябрдан кучга киради).*

**II. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:**

1. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ почта алоқаси тизимида даромадларни шакллантириш ва тақсимлашнинг бухгалтерия ҳисоби ҳамда уларни солиққа тортиш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан тасдиқланган.*

**Мазкур ҳужжат Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши**

лозим бўлган ҳужжатлар тоифасига кирмайди. У белгиланган тартибда ушбу идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.